Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

# Пойтахтимизни энг кўркам ва





## Модерн шаҳар

Чотқол тоғлари ғарбида жойлашган Тошкентнинг тарихи милоддан аввалги II асрга бориб тақалади. Ўрта Осиёнинг қайноқ нуқтасида жойлашган Тошкент университетлари, театр, музейлари, метроси, бизнинг аэропортимиз майдонларини эслатадиган кенг йўллари билан мени мафтун қилган. Шаҳрингизда бир неча бор бўлдим. Бу сафарги келишимда айниқса, унинг чиройига ҳавас билан қарадим. Биз — бир гуруҳ сайёҳлар пойтахтдан ташқари Бухоро, Самарқанд ва Кеш шаҳарларини кездик. Бугунга қадар Чоч, мадинат аш-Шош, Бинкат номлари билан ҳам аталган, боҳаво хиёбонлари, мусаввирлар расм чизаётган сайлгоҳи, дунёнинг биринчи ўнлигига кирган телеминораси, Мустақиллик ва хотира майдонлари билан Тошкент том маънодаги модерн шаҳарга айланган. Мен дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатида бўлганман. Улар ичида Ўзбекистоннинг тафти бошқача. Насиб этса, палов ейиш учун Ўзбекистонга яна келаман.

**Орхон КУРАЛ,**
**Истанбул Техника университети профессори**

## Тошкентда биринчи марта

- **1871 йил — ўзбек тилидаги илк босма китоб нашр этилган.**
- **1874 йил — дастлабки дорихона ва пахта тозалаш заводи қурилган.**
- **1877 йил — илк тамаки фабрикаси бунёд этилди.**
- **1880 йил — Хадра даҳасида Ўзбекистонда 1-аёллар ва болалар шифохонаси очилган.**
- **1897 йил — Илк овозсиз филм намойиш қилинди.**
- **1897-1898 йиллар — шаҳарда биринчи бор водопровод қурилган.**
- **1947 йил — шаҳар кўчаларида троллейбуслар қатнай бошлаган.**

## Қўлни қўлга бериб...

***Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда туб ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодиёт мутлақо янги кўриниш олди. Элнинг турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Пурвиқор бинолар, равон йўллар, гўзал хиёбонлар шаҳар кўркига кўрк қўшаётир. Тошкентдек азим шаҳарни ҳамиша озода тутиш осон эмас, албатта. Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Саидумар АГЛАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.***

— Бошқарма тасаррруфидаги объектларни тўлиқ таъмирлаяпмиз, — деди суҳбатдошимиз. — Жумладан, бугунга қадар 77,6 минг м.кв. йўл капитал 11,2 минг м.кв. қисми эса жорий таъмирланди. Марказий кўчаларни механик ювиш ишларига катта эътибор қаратилди. Жами 145 та кўприк, 28 та йўл ўтказгич, 7 та туннел ва 34 та ерости ўтиш жойлари ҳам назардан четда қолмади. Қишда шаҳар марказий кўчаларининг 24 млн. м. кв. қисмига қум-туз аралашмаси билан ишлов берилди.

***— Кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Жорий йилнинг 25 майига қадар барча дарахтларга агротехник ишлов берилди. 3822,6 гектар ердаги ўтлар ўрилди. 312.931 та дарахт ва 4.569.460 дона гул кўчати ўтқазилди. 110,7 км.ли 51 та каналнинг суви тўхтатилиб, тозалаш ишлари амалга оширилди.

**— Марказий авария диспетчерлик хизмати махсус отряди ҳақида тушунча берсангиз.**

— Бу шаҳар бўйича дайди ҳайвонларни тутишга мўлжалланган махсус отряддир. Ҳозирга қадар шаҳар ҳудудидан 3155 та шундай ҳайвон тутилиб, содир бўлиши эҳтимоли бор хавф-хатар бартараф этилди.

***— Ходимларга қандай шарт-шароит яратилган?***

— Умуман, соҳамизда 6 мингдан зиёд киши ишлаяпти. Имкон қадар уларга шароит яратиб бераяпмиз. Ҳар бир иш бош бошқарма бирлашган касаба уюшма ташкилоти раиси Дилфуза Мирзаолимова билан бамаслаҳат қилинади. Бирлашма таркибида 22 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг ҳар бирида касабақўм билан иш берувчи ўртасида жамоа шартномаси имзоланган. Жамоа аҳил. Байрамлар яхши ўтказилмоқда. Кам таъминланган ходимларга ёрдам кўрсатилаяпти. Ходимларимизнинг саломатлиги, кўнгилли дам олиши ҳақида касаба уюшмалари мунтазам равишда ғамхўрлик қилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида 20 киши «Чорток», «Чимён», «Турон», «Ботаника» сингари санаторийларда даволанган бўлса, 60 та оилавий йўлланма олган ходимларимиз «Қизилсой», «Чимён» каби дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришди. Шунингдек, уларнинг 172 нафар ўғил-қизи «Нурафшон», «Гулбаҳор», «Зилола» каби оромгоҳларда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, меҳнат аҳли тез-тез мукофотлар билан рағбатлантирилмоқда.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**



## Ёзда жоннинг роҳати

***Ўтган асрнинг бошларида барпо этилган, бир қанча номлар билан аталиб, ҳозирги кунда Мирзо Улуғбек номида бўлган маданият ва истироҳат боғи айни ёз кунларида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари билан гавжум. Дам олувчилар боғдаги шароитлардан жуда мамнун. Боғимизнинг умумий майдони 14,26 гектар бўлиб 1997 йили қайта таъмир ва ободонлаштириш натижасида бугун янада чирой очган. Боғда дарахтлар, гуллар ва манзарали ўсимликларнинг кўплаб турлари мавжуд. Ҳаммаёқ соя-салқин. Болалар чўмилиш ҳавзаси, ёзги кинотеатр, соғломлаштириш спорт мажмуаси, учта катта фаввора, ўйингоҳлар, кичкинтойлар майдончаси мунтазам ишлаб турибди.***

Ҳар йили махсус йиллик режа асосида ҳордиқ чиқаришга келганлар учун хилма-хил кўнгилочар дастурлар, дам олиш кечалари, концертлар уюштирилади. Ушбу тадбирларни «Маҳалла», «Маънавият ва тарғибот» маркази «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ каби кўплаб ташкилот ва уюшмалар ҳамкорлигида ўтказамиз.

Боғ маъмурияти томонидан ҳар йили Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар ва ногиронларга боғни айланиш ва ўйингоҳларда ўйнаб-қувнаш учун таклифномалар бепул тарқатилади.

Боғда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги «Япон сафараси ва каштан дарахти кўчатлари экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида боғимизга 200 та япон сафараси, 400 та каштан, 200 та сосна, 600 та терак, 350 та бута, 50 та қайин, 200 та мажнунтол, 150 та клен, 100 та ясен ва шу турдаги кўчатлар, шу билан бирга 5000 дан ортиқ турли хил бир йиллик гул кўчатлари экилди. Боғда ҳар йили мингдан ортиқ нина баргли ва манзарали кўчатлар экилади.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси юртдошларимизнинг баҳаво жойларда мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун, албатта.

Юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрамда боғимиз алоҳида байрам дастури ташкил қилиб, дам олувчиларга тақдим этишади.

Яхшиси, боғимизга бир келинг. Ўзингиз ҳаммасига гувоҳ бўласиз. Баҳонада шундай иссиқ кунларда бир яйраб, салқинлаб, дам олиб кетасиз!

**Ато УМУРОВ,**
**Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғи касаба уюшма қўмитаси раиси**



*Талабалар шаҳарчаси йилдан-йил чирой очиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент Давлат Техника университетининг ҳудудлари, айниқса, талабалар турар-жойларини кўрган ҳар бир киши шу жойларда ўқишни орзу қилади.*

## Тўйга тўёна билан...

Шаҳарчада олиб борилган кўплаб ободонлаштириш ишлари ҳозир ҳам давом этмоқда. Талабалар касаба уюшма қўмитаси томонидан турар-жойлар майдонларида алоҳида ободонлаштириш ишлари дастури тузилган. Ҳар бир турар-жойда яшовчи талабалар ичидан кўнгилли равишда танлаб олинган, боғдорчилик ишларидан хабардор бўлган талабалардан гуруҳлар ташкил қилинган. Бу гуруҳлар турар-жойларга бириктирилган ҳудудларда гул, арча ва майсазорларни парваришлайди.

Ҳудудлар алоҳида суғориш тизими билан таъминланган.

— Жорий ўқув йили мобайнида 30.000 дона мавсумий гул кўчатлари, 2000 дан ортиқ арча кўчатлари, ўн икки миллион сўмлик манзарали ўсимлик ва майсалар экилди, — дейди ЎзМУ талабалар турар-жойлари дирекцияси директори ўринбосари Иброҳим Эшманов. — Галдаги режамизда булар сони икки бароварга оширилиши мўлжалланмоқда. Ниятимиз, ЎзМУнинг 90 йиллиги нишонланадиган байрамда шаҳарча ва университетимиз ҳудудини келинчакдай чиройли қилишдир.

Дарҳақиқат, отахон дорулфununнинг 90 йиллигини нишонлаш олдидан университет биносида катта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Зарур вақтда бирдан ток ўчиб қолса ёки иссиқ сув тўхтаб қолса, қай аҳволга тушасиз? Дейлик кийимларингизни дазмолламоқчи эдингиз. Бу ишни аввалроқ қилиб қўймаганингиз учун бир ўзингиздан жаҳлингиз чиқса, бир электр станцияси ходимларига ғазабингизни сочгингиз келади. Шундай дақиқаларда сувни ўзингиз иситиб ишлатиш у қадар ҳам енгил иш эмаслигини сезасиз. Жўмракни бурашингиз билан оқиб тушувчи сув қадри шундай вақтда билинади. Ҳеч мулоҳаза қилганмисиз, дунёнинг айрим нуқталарида ичимлик сувини юзлаб чақирим олисдан ташиб келтиришади, уйларида чироқ ёнишини йиллаб кутишади, зангори олов ва иссиқ сув ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳа, неъматларга тўла юртда яшаётганимиз учун минг шукрона қилса арзийди.**




## Хизматга яраша ҳақ

Бу имкониятлардан фойдаланиш пойтахтимизда кенг йўлга қўйилган, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини аъло даражада дея эътироф этсак арзийди. Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Улардан эса бор-йўғи тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш талаб этилади.

— Шаҳримизда коммунал хизмат кўрсатиш тизими яхши йўлга қўйилган, — дейди Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Зулайҳо Ғаффорова. — Иссиқ, совуқ сув, газ, электр таъминотида давомли узилиш бўлмайди. Бу аҳоли учун кўпгина қулайликлар манбаидир. Тўловларни тўлашда ҳам ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди.

Аслида коммунал хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш истеъмолчининг ҳуқуқий маданиятини ҳам белгилайди. Жамиятимизда ҳуқуқий савиянинг ортиб бориши билан коммунал тўловлардаги қарздорлик ҳам камайиб бормоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2007 йил давомида 140742 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, шундан 116643 таси газ, иссиқ ва совуқ сувдан фойдаланиш харажатларию бошқа коммунал қарзларни ундириш билан боғлиқ ишлар эди. Жорий йилнинг тўрт ойида эса 36098 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлиб, шундан 27520 тасини мажбурий тўловларни ундириш билан боғлиқ ишлар ташкил этган. Бу кўрсаткич аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий даражаси ўсиб бораётганлигининг яна бир исботидир.

Ўз вақтида амалга оширилган тўлов намунали хизмат демакдир. «Сиздан угина, биздан бугина» нақли баайни шу ҳолат учундек. Баъзан ичимлик сувидан машина ювиш, томорқа суғориш; газ ва электрдан шахсий мақсадларда ноқонуний фойдаланиш ҳоллари ҳам учраб туради. Эҳтиёжимиз учун зарур барча хизматлар амалга оширилаётган экан, биз ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш тутайлик. Зеро, жамиятдаги ҳар бир механизм ўз вазифасини тўла адо этолса, қудрати юксалиб бораверади.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**




**● Мустақиллик йилларида пойтахтимиз буюк ўзгаришлар, гўзаллик ва бунёдкорлик марказига айланди. Тошкентликлар бу йил ҳам энг улуғ ва энг азиз байрам – истиқлолнинг ўн етти йиллиги билан бирга қутлуғ тўйини ҳам тетик руҳ ва аъло кайфиятда нишонлаш учун муносиб тадорик кўрмоқда.**



Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

# озода шаҳарга айлантирамиз

## Ватанимиздек азиз

Африка қитъасида туғилган инглизман. Касбим тақозосига кўра, талай мамлакатларни кезиб чиқдим. Жаҳонгашта одамман десам ҳам бўлади. Ўзбекистонда роппа роса ўн уч йил ишладим. Мирobod бозори яқинидаги мўъжаз бир ҳовлида рафиқам иккимиз роҳат қилиб яшадик. Қўни-қўшнилар билан кирди-чиқди қилдик. Маҳаллага сингдик. Ўзбек тилини иштиёқ билан ўргандим. Маҳаллий халқ орасида дўстларимиз кўп. Ўзбекистон иқлимини беҳад севаман. Тошкент баҳоридек фусункор баҳорни дунёнинг ҳеч қайси жойида кўрмаганман. Шаҳрингиз архитектураси менга жуда ёқади. Ўтган ўн уч йил давомида бемисл катта қурилишлар бўлди. Пурвиқор тураржойлар, бежирим иморатлар адл қад ростлади. Кўз олдимда бу дилбар шаҳар ғоят юксалди. Бозорлар деярли янгиланди. Жумладан, бизнинг Миробод ҳам... Олисларда юрибману, пештахталарда йил ўн икки ой териб қўйилган сархил меваларни, шаҳар тўла гул-гулзорларни. қалбимга ҳад-ҳудудсиз ҳаяжон солган, тўй чорлови тонгги карнай-сурнай садоларини, иқлимидек истараси иссиқ ўзбекларни сира унута олмайман.

Тошкент ватанимдек азиз, кўнглимга яқин бўлиб қолганди. Бироқ шароит тақозосига кўра, Гонг-конгга жўнаб кетишимга тўғри келди. Орадан бир йил ўтса ҳамки, ришта узилган эмас: дўстларим, шогирдларим, танишларим билан телефон ва интернет орқали боғланиб турибмиз. Яқинда суюкли шогирдим Малика «Қиш қаттиқ келганди, Роберт ака, ёзда мевалар роса зўр бўлди» - деб ёзибди. Кўнглим тўлиб кетди, компьютерда хатни ўқияпман-у юрагимнинг бир бўлаги бўлиб қолган Тошкентни қаттиқ соғинганимни ҳис этдим.

Истардимки, бу ўлкани бахт қуши сира тарк этмасин! Излаб топгани савоб бўлган Ўзбекнинг боши тўйдан чиқмасин!

**Роберт ХАДСОН,**
**педагог**



**Бир-бирига узукка кўз қўйгандек ярашган келин-куёвни кўрганда ҳавас қилмайдиган киши йўқ, назаримизда. Юртимизнинг мўътабар масканларидан ҳисобланган Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ташриф буюрсангиз, улуғ бобомиз пойига гул қўйиш учун отланган ана шундай бахтиёр жуфтликларга кўзингиз тушади. Уларнинг юз-кўзи, кўнглидаги қувонч қалбингизга кўчиб, сизни ҳам бахтнинг тотли бўйидан сармаст этади. Умр йўлини улуғ аждодимиз зиёратидан бошлаётганларга эзгу ниятлар ҳамиша ёр бўлишига ишонамиз.**



## Бунда ҳар не гўзал, бетакрор

**Турмуш ўртоғим банкир. Яхши мутахассис сифатида хорижий давлатларга ҳам ишга таклиф этишади. Америка Қўшма Штатларида анча вақт яшадик. Ўғилларим Жон ва Жеймс ўша ерда катта бўлишди. Сўнг дадаси бу ерга келди. Биз эса Сеулга қайтдик. Қийналиб қолди шекилли, ҳадеб чақираверди. Рости, Ўзбекистон ҳақида дуруст тасаввурга эга эмас эдим. Даставвал турист бўлиб келдик. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзни бориб кўрдик. Сираси беҳиштдек бетакрор бу мамлакат ўзига мафтун этди. Бироз муддатдан кейин эса Тошкентга кўчдик. Шаҳарнинг Бешёғоч даҳасидаги анҳор бўйида жойлашган шинам уйда яшаяпмиз. Ўтаётган кунларимиздан мамнунмиз. Зерикмаймиз, чунки бу ерда ажойиб дўстлар орттирдик. Ўзбек хонадонларига тез-тез меҳмонга бориб турибмиз. Улар бизникига келишади. Сўлим, сарафроз оқшомлар шаҳарнинг гўзал жойларида сайр қиламиз. Тошкентга меҳрим тушди. Унинг сокинлиги, автоуловларнинг унча кўп эмаслиги, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бозорларнинг ободлиги, барча-барчаси бизга жуда ёқади.**

**Хёнг ПАК,**
**доришунос**

# Онадек азизсан, табиат!



Амир Темур хиёбонидан ўтиб кетаётиб нуроний отахоннинг азамат чинор атрофидан айланиб, ёнидаги болага ниманидир уқтираётгани эътиборимни тортди. Чамамда у улкан дарахтнинг шохларини синчиклаб кузатиб, унинг ёшини ўзича чамаларди. Менга кўзи тушиб, ёнига чақирди.

— Шу чинорнинг ёши нечада экан? Уни ким эккан экан, билмайсанми?

Отахон ҳайратланиб қараётган чинор шохларидан гўё жавоб топмоқчидек, мен ҳам уни эринмай кузатаман. Истиқлол туфайли боғ қайта чирой очди. Халқлар доҳийси ҳайкали ўрнига соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг сиймоси акс этган улкан ёдгорлик барпо этилди. Буларнинг барига ана шу чинорлар гувоҳ. Аммо ҳар бир чинорнинг ўз тарихи бор. Мутахассисларнинг эътироф этишича, бир туп чинор салқини 10 та замонавий совутгич қувватига тенг бўларкан. Иссиқ иқлим шароитида минг машаққат билан бу чинорларни кўкартирган боболаримиз, аввало, ана шу эзгу мақсадни ният қилган бўлса, не ажаб.

***

Меҳр ва эътибор одамни қанчалар яшартириб, умрига умр қўшса, дарахтларга ҳам ҳаёт бахш этади. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўғлим билан тонгда ишга шошиб кетаётган эдик. Уйимиз қаршисидаги мактаб атрофидаги мажнунтол танасининг тутаб ёнаётгани эътиборимизни тортди. Ям-яшил жамалак сочлари сувга эгилган бу гўзал дарахтнинг ковагига кимдир шох-шаббалар тиқиб, ўт қўйиб юборибди. Мажнунтол япроқларидек иккаламизнинг ҳам юрагимиз титраб кетди. Ўғлим йўл четидаги «баклашка»да, мен эса ҳовучимда сув олиб оловни ўчирдик. Анча пайтгача дарахт танасидан оппоқ ҳовур кўтарилиб турди. Атрофга файз, одамларга гўзаллик бағишлаб турган бу дарахтни куйдириш кимга керак бўлганини билолмай анча бош қотирдик. Кейин билсак, бу шу ерда гараж қурмоқчи бўлган «тадбиркор»нинг иши экан!

* * *

Пойтахтнинг нечоғли ободлиги ва чиройига қараб давлатнинг салоҳияти, кучқудрати, маънавияти ва маданияти ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Тошкент шаҳри ҳам ана шундай халқимиз маънавиятининг қайноқ қалби ва меҳмондўстлиги тимсолидир. Ҳар куни шаҳримизга қарийб 1 миллионга яқин одам келиб-кетиб туради. Бу эса 3,7 минг нафар фаррошдан янада самарали ғайрат билан меҳнат қилишни талаб қилади. Шаҳримиз файзига файз қўшиб, тоза ва ораста бўлишида уларнинг хизмати катта.

Меҳмондўст шаҳримизда тонг ёришмасдан катта супурги кўтариб кўчаларни чиннидай супуриб-сидираётган, турли чиқиндилардан тозалаб, одамларга яхши кайфият улашаётган бундай фидойи касб эгаларини «тозалик фаришталари» дегинг келади. Шаҳримиз табиатини яшнатиш, дов-дарахт, ўсимликлар ва гулларни асраб-авайлаш фақат шу соҳа ходимларининг эмас, барчамизнинг вазифамиздир. Ҳар йили корхона ва ташкилот, муассаса ва хўжаликлар томонидан минглаб туп ниҳол ўтказилади. Аммо уларни асраб-авайлашни кўпинча унутиб қўямиз. Кўчатларни мунтазам суғориб туриш, шамол, офтоб тиғидан, бошқа зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида ўйламаймиз ҳам. Оқибатда экилган кўчатларнинг қанчаси нобуд бўлади, бу йўлдаги меҳнат ва харажатлар чиппакка чиқади.

* * *

Ўсимликлар дунёси энг зўр табиий лаборатория деб тан олинган. Бу табиий «лаборатория»да ҳар дақиқада 15 минг тонна соф кислород ишлаб чиқарилади ва 10 минг тонна яшил органик модда ҳосил бўлади. Она табиат бағрида жам бўлган минглаб турдаги доривор ўтўланлар дардимизга шифо, айни вақтда бизга руҳий ва жисмоний бардамлик бахш этади. Бугунги кунда юртимизда табиий ҳолда ўсадиган ўсимликлар турлари 4,5 мингдан ортиқ. Улардан 1150 тури шифобахш хусусиятга эга. Афсуски, аксариятимиз шу бойликдан нотўғри фойдаланамиз.

Абу Али ибн Сино «Сиз дардни тузатмоқчи бўлсангиз давосини беморнинг оёғи остидан ё атрофидан изланг» деган. Бунинг маъноси шуки, тирик жон борки, ўзи яшаётган муҳитга мослашган бўлади. Демак, шу муҳитда ўсаётган ўтўланларгина унинг дардини тузата олади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қабул қилинган қарорга кўра, 2010 йилга бориб, дори-дармонларнинг 60 фоизи фақат табиий йўл билан тайёрланади. Демак, биз ҳам шаҳримиздаги яшиллик дунёсини келажагимиз учун ҳам янада эҳтиётлашимиз даркор.

* * *

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ҳар гектар дарахтзор бир кеча-кундузда 230 килограммгача карбонат ангидридни ўзига «ютиб», 200 килограмм ҳаво оксигенни ажратади. Бир гектардаги игнабаргли дарахт бир йилда 40 тоннага яқин, япалоқ баргли дарахт эса 100 тоннагача ҳаво чангини ушлаб қолади. Шунингдек, дарахтларнинг шовқин-суронни камайтириш ва атмосферага кўтарилаётган заҳарли моддаларга тўсқинлик қилишдаги ўрни ҳам беқиёс. Кўча ва йўлакларда ўсадиган терак, чинор, қарағай дарахтларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, яшиллик оламини авайлаб-асраш ўз ҳаётимизни ва саломатлигимизни пойтахтимиз кўрки-тароватини авайлаб-асрашдир.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**







# Кўркам манзаралар

***Бугунги кунда пойтахтимизнинг қайси кўчасида бўлманг, ободончилик ва кўкаламзорлаштиришнинг гувоҳи бўласиз. Хусусан, Чилонзор туманида ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

— Бошқармамизга қарашли 30 га яқин кўча мавжуд. Уларни кўкаламзорлаштириш учун йил давомида режа асосида ишлаймиз. Манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш, бир ва кўп йиллик гуллар экиш, уларни парваришлаш, қуриган дарахтларни олиш, дарахтларга шакл бериш асосий вазифамиздир, — дейди туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Рўзимов. — Жорий йилнинг 12 — 13-март кунлари ўтказилган ҳашарда 10 гектарга яқин ер чопилди, 40 турдан ошиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари, Наврўз умумхалқ ҳашарида 200 нафар ходимимиз шаҳримизни янада чирой очишига ҳиссасини қўшди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида белгиланган режа ортиғи билан бажарилди. Масалан, 3400 ўрнига 4275 та дарахтга шакл берилди. 3800 ўрнига 4000 га яқин дарахт оқланди.

— Бошқармада 200 дан зиёд ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг барчасига махсус кийим-кечак берилган, етарли шароит яратилган, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Саида Муҳаммедова. — Ишга келиш ва кетиш учун махсус транспорт ажратилган. Жамоа иноқ, яхши-ёмон кунларда бир-бирига кўмакдош. Кам таъминланганларга ёрдам кўрсатилмоқда. Ходимларнинг саломатлиги ҳар доим касаба уюшма ҳамда раҳбарият эътиборида. Маошлар вақтида бериб борилаяпти. Шу кеча- кундузда меҳнаткашларни «Гулбаҳор» ва «Ғунча» оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Ходимларнинг ҳақҳуқуқлари тўла кафолатланган. Маълум бир саналарда меҳнат аҳлига мукофотлар бериб борилади.

Бир сўз билан айтганда, Чилонзор туманидаги кўчаларнинг озодалигига берилаётган эътибордан дил яйрайди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**




# Бекатдаги ўйлар

*Ўз уйинг бўлганига нима етсин! Мустақилликдан кейин юртимиз том маънодаги ўлан тўшагимизга айланди. Ҳурлик шабадалари эсиб, қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, пойтахтимизда барпо этилган энг янги кўринишдаги бино, боғлардан тортиб, замонавий талабларга тўла жавоб берадиган йўлларни кўрганда кўзингиз қувнайди. Янги русумдаги автобуслар узоғингизни яқин қилади. Бир-биридан гўзал замонавий бекатларни айтмайсизми? Аммо ана шундай гўзаллик ичида баъзан кўзга ташланиб қоладиган хунук манзараларга ҳам дуч келиб, кўнглингиз хира бўлади. Автобус ўриндиқларига, бекатлардаги устун, ўриндиқларга ёзиб ташланган ҳар хил ёзувлар, хусусан, бекатларда маданий савиясизлик оқибатида сочиб ташланган сигарет қолдиқлари, сувдан бўшаган пластмасса идишларнинг ётиши шаҳар чиройига доғ бўлиб тушмоқда.*

*Гап бекатларнинг аҳволи ҳақида кетар экан, бу хусусида бир неча юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.*

*— Ҳақиқатдан бу нарса кўпам эътиборга тушавермайди, лекин хорижликлар миллатимизнинг маданиятига баҳо бераётганда бекатларга кўзи тушмаслиги мумкинми?, — дейди биринчи суҳбатдошимиз, ЎзМУ ўқитувчиси Абдумурод Тиловов. — Яқинда бир гуруҳ чет эллик меҳмонларга тилмочлик қилдим. Уларни «Чорсу»га олиб келганимда, тўғриси, бироз уялдим... Чиқинди ташланадиган қути тўлиб кетган, ерда сочилиб ётган ахлатлар эса яна бир қутини тўлдирар эди. Меҳмонлар бу ҳақида гапиришмади. Мен ҳам. Ахир нима ҳам дер эдим?!...*

*— Бизнинг маҳалладан битта автобус йўналиши ўтган, — дейди Ҳувайдо маҳалласи оқсоқолларидан бири Эркин ота Раҳимов. — Баъзан ярим соатлаб автобус кутиб қоламиз. Биз ўтирган бекатнинг орқасидаги ҳовли эгаларига минг раҳмат айтаман. Барака топгурлар ҳар куни кўчага қўшиб бекатни ҳам тозалаб, супуриб қўйишади. Кечқурунлари маҳалла ёшлари йиғилишиб, шу бекатда суҳбатлашади. Эртасига бир талай сигарет қолдиқлари ва бўш шишалардан бекатни тозалаётган келинни кўрганимда ичимдан бир оғриқ ўтади...*

*Сўнг ёшларнинг қарашлари бизни қизиқтиради.*

*— Шаҳар марказида жуда чиройли бекатлар қурилган. Улардаги чиқинди қутилари ҳам тез-тез тозаланиб туради. Аммо чеккароқ жойларда бекатнинг тўртта устуни бор холос. Ўриндиқлар чала-ярим. Бир сафар «Отчопар» бозорига борганимда битта дарахт бекатга белги эканлигини кўрганман. Чунки автобус тўхтаган жойда биргина дарахт бор эди, — дейди куюнчаклик билан талаба Шуҳрат Раҳмонов.*

*— Мен бу йил ўқишга кириш учун келдим, — дейди абитуриент Зафар Файзиев. — Курсга қатнаётиб, баъзи тенгдошларимдан жаҳлим чиқади. Бориси, бекатда писта чаққани етмагандай, автобусда ҳам кавшанишдан тўхтамайди. Гапирай дейману, «Сенга нима, отангнинг автобусими?», деган гапни эшитишдан истиҳола қиламан. Ахир писта билан қорин тўйиб қолмайди. Ҳеч ким унинг писта чақишига қарши эмас, аммо пўчоғини ерга ташламасин-да.*

*Энди биз Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларидан ўтиб, Ҳамза туманига йўл оламиз. Юртдошларимизнинг фикрларида жон бор. Ҳатто сув оқадиган ариқлар ичи ахлат билан тўлган. Буни ҳар биримиз кўришимиз мумкин. Айнан санашга ҳожат йўқ...*

*— Истиқлолнинг 17 йиллик байрами тараддудидамиз, — дейди Ҳамза туманида яшовчи уй бекаси Инобат Ҳимматова. — Бу давр ичида бўлаётган ўзгаришлар катта ютуқ саналади. Айниқса, тинчликнинг ўзи бебаҳо бойлик. Қолаверса, келаётган йилда Тошкетнинг 2200 йиллигини нишонлаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳримиз янада чирой очади. Бекатлардаги ҳолатга келсак, ростдан ҳам бу хунук манзара тез-тез кўзга ташланади. Сабаб — тарбия бўшашган. Тарбияни эса ҳар биримиз ўз оиламиздан бошламоғимиз лозим. Шунда лойқа сувнинг бошига банд қўйилган бўлади. 40 ёшдан ошдим. Барвақт туриб бекатларни супураётган ўзим тенги ёки мендан-да ёши улуғ аёлларни кўрганда фарзандларимга уларни кўрсатиб, «менинг ҳам шундай ишлашимни хоҳлармидинглар?»— дейман. Мана шу сўзларим улар учун етарли бўлади. Нафақат бекатлар, балки бутун юрт — уйимиз. Уйга эса чиқинди ташлаб бўлмайди. Болаларимизга шуни тушунтирайлик!*

*Ҳамюртларимизнинг фикрларини тингладик. Шаҳар бўйлаб кезганда бу фикрлар ўз исботини топди. Демак, муаммо бор! Аммо унинг ечими-чи? Бу ҳақида сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?!*

**Абдул ЛАТИФ ёзиб олди**



Т.МАҲКАМОВ (ЎзА) олган сурат

# Зиё тарқатувчилар

Гоголнинг «Ревизор» комедиясини ўқувчилар яхши эсласа керак. Унда бировларнинг хатини очиб ўқувчи почта мудири образи бор. Аммо ҳаётда ҳалол, фидойи почтачилар кўп. Бежиз уларни дилни дилга боғловчилар дейишмайди. Шайхонтоҳур туманидаги 129-алоқа бўлими бошлиғи Шоира Ҳасанова билан суҳбатлашиб бунга яна бир карра амин бўлдим.

— Матбуот— ҳаёт кўзгуси. Жамиятда акс этаётган воқеа-ҳодисаларни журналистлар қоғозга туширади. Биз эса уларнинг ижод маҳсулини ўқувчига етказамиз, — дейди Ш.Ҳасанова. — Газета-журналларни ўз вақтида халққа етказишга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланаман. Шунингдек, хат-хабарларни эгаларига етказиб, уларнинг шодлигига шерик бўламиз.

Бу соҳада ишлаётганимга йигирма йилдан ошиб қолди. Ўтган йиллар давомида соҳанинг нозик қирраларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим.

Барча соҳалар қатори почта тизимида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Янги технология ва техникалар жорий этилди. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг барча давлатлари билан почта алмашинуви йўлга қўйилган. Алоқа бўлимларида почта хизмати кўрсатишдан ташқари турли тўловлар қабул қилинади.

Ҳар куни иш бошлашдан олдин, албатта, кундалик матбуот билан танишиб чиқаман. Кўрган ва эшитганларимни мулоҳаза қиламан.

Шоира опанинг оила, ҳаёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалари битилган кўплаб мақолалари матбуотда чоп этилган. У журналист аёллар ўртасида ўтказилган «Атиргул-2006» танлови ғолиби бўлган. Ш.Ҳасанова ҳаётнинг бош мезони ҳалол меҳнат қилиш, тинимсиз изланишда деб билади. Матбуотга яқинлик уни ғайрат билан ишлашга ундаётган бўлса ажаб эмас.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Овчи ҳикоялари

***Болаликдан тоғу тош ва чўлу биёбонларни кўп кезган Мурод мерган учун ов қилиш ҳаётининг мазмунига айланди. Унинг назарида ов гаштини ва завқини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу унга чексиз шодлик, ҳаяжон ва ҳузур-ҳаловат бағишлайди.***

# Мурод мерган



*Муроджон ҳар гал Осмонсой кенгликларини яёв кезаркан, баҳри-дили очилиб, яйраб кетар, ўзини қўярга жой тополмасди.*

*Болалик чоғларида отаси паррандалар дўконидан қафасга солинган саъва совға қилгани ҳеч эсидан чиқмайди. Болакай қушчанинг ҳар бир ҳаракатини завқ билан кузатаркан мурғак қалбида барча жонзотларга меҳр-шафқатли бўлиш ҳисси уйғона бошлайди. Бу эса кейинчалик ҳовлисининг бир чеккасида жонли бурчак ташкил этишига асос бўлди.*

*Жонли бурчакда каклик, тўтиқуш, бедана, булбул бор эди. Уларнинг эрта тонгданоқ хониш қилиши гўё янги куннинг серфайз ва хайрли бўлишига тилак билдираётгандек. Кечқурунлари эса ишдан кейин аквариумдаги балиқларни томоша қилиш ғоят мароқли.*

*Отаси Омон амаки уста мерган бўлиб, ўғлини вақти-вақти билан овга олиб чиқар ва ўтмишда қандай ов қуролларидан фойдаланилгани ҳақида сўзлаб берарди. Унинг қўрқмас ва жасурлиги ҳақида эл орасида ҳалиҳануз илиқ гапларни эшитиш мумкин. У тоғ оралиқларидаги кўплаб ғор ва тўсиқларни ёддан билар, овда қатнашаркан анъанага содиқ қолиб, қушлар ини ва яшаш жойига зиён етказмасди.*

*Мурод отасининг қўшотар милтиғи, бир нечта қопқон ва ҳар хил тузоқларидан фойдаланиб келади. Унинг назарида ов машғулоти моддий эҳтиёжни қондириш эмас, балки наботот ва ҳайвонот оламини турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш ҳамда уларга ғамхўрлик қилиш эди.*

*Ўша кеч ёға бошлаган қор туни билан тинмади. Тонг ёришганда кучли шамол туриб, сой ва жарликларни қор уюмлари билан теп-текис қилиб кетди. Тоғ этагидаги мўъжазгина уйчанинг томи зўрға кўриниб турарди. Қуёш бўй кўрсатганда шамолнинг овози ўчди. Муроднинг кайфияти ҳар қачонгидан яхши эди.*

*— Мана энди ростакамига ов қилсак бўлади, — деди у хурсандлигидан кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Ҳеч қандай қурол-яроғ керак бўлмайди.*

*Меҳмонлар ҳайрон бўлишиб елка қисишди. Нонуштадан сўнг улар тепаликка кўтарила бошлашди ва чўққига етар-етмасдан какликлар тўдасига дуч келишди. Жониворлар улардан чўчиб харсанг тошлар оралиқларидаги қор уюмларига бекинишмоқчи бўлишди. Бу беозор қушлар бирбирларининг пинжига тиқилишиб олган, патлари суягига ёпишиб қолганди. Овчи какликларнинг бир нечтасини тутиб халтасига жойлади. Қолганларини эса қўли билан учириб юборди.*

*Мурод ов қилганда қурол-яроқни бўлар-бўлмас ишлатавермас ва кўрган-кечирганларини ҳамроҳларидан сир сақламасди. Заҳмат чекиб қўлга киритилган ўлжадан сўнг дастурхон атрофида ўтирганида доим улар билан рўй-рост, очиқча ва чин дилдан суҳбат қуришни хуш кўрарди.*

*Йигирма йилдирки, Мурод вилоят Овчилар ва балиқчилар жамиятида фаолият кўрсатиб келаяпти. Ёшлар уни ўзларига устоз деб билишади. Дўстона муносабат, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибат ришталари уларни боғлаб туради.*

**Абдулла САИДОВ,**
**«Ishonch»нинг**
**жамоатчи мухбири**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакиллиги ўз тасарруфидаги «Чорбоғ ГЭС қурилиш» шўъба корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси Музаффар Ашуровга падари бузруквори

**ОРТИҚБОЙ** отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

## Ҳикмат

**Инсоннинг икки асосий бисоти ақл ва фикрдир.**

**ПЛУТАРХ**

Спорт

# Серқирра мураббий

Хайрулла Жабборовни турли мусобақаларда кузатганман. Менда табиий савол туғилади: «Бу мутахассис ўзи қайси спорт тури бўйича мураббий? Спорт гимнастикасими, футболми ёхуд таэквондо? Чунки у бир қарасангиз, спорт гимнастикаси бўйича Республика мусобақаларида ёки «Умид ниҳоллари» баҳсларида Қашқадарё жамоасига устозлик қилаётган бўлса, бир гал эса Шаҳрисабз туман Болалар ва ўсмирлар футбол мактаби аъзолари билан мусобақага ташриф буюради. Айниқса, таэквондонинг WTF тури бўйича шогирдлари билан ғалаба завқини сураётган ҳолатида бу мутахассисни кўп бора учратиш мумкин.

Х. Жабборов таэквондонинг Олимпиадага кирувчи ушбу тури бўйича саккиз нафар қора белбоғ соҳибини тайёрлаган. Шогирдларидан Дилфуза Баротова 52 кг вазн тоифасида бир неча бор республика чемпиони. Яқинда Ғузорда «Шўртангазкимё» совғини учун ўтган бешинчи очиқ турнирда шогирдлари Маржона Элмирзаева, Дилобар Ғаниева ҳам шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди.

**— Ўтаётган йилда таэквондо бўйича шогирдларингиз эришган натижалардан қониқдингизми?, — сўраймиз Хайрулла акадан.**

— Айни пайтда таэквондо бўйича 60 нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда. Ўзбекистон чемпионати олдидан Қаршида ўтган вилоят биринчилигида кучлиларни сараладик. Самарқандда «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида ташкил этилган турнирда 3 та медал қўлга киритилган бўлса, Ғузор ва Мироқи спорт коллежида ўтган очиқ турнирда янада муваффақиятли иштирок этишга эришилди. Айни кунларда куз фаслида ўтадиган Марказий Осиё очиқ чемпионатига қизғин тайёргарлик кўряпмиз.

**— Шаҳрисабздаги Болалар ва ўсмирлар футбол мактабидан Темур Жўраев, Зафар ва Фахриддин Холмуродов сингари моҳир тўп усталари етишиб чиққан. Мактабнинг эзгу анъаналарини давом эттириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Футбол мактабимиз жорий йил бошидан Ғузорнинг «Шўртан» жамоасига бириктирилди. Лазиз Убайдуллаев, Алишер Юсупов, Александр Антипов, Умид Сайфуллаев сингари ёшлар бугунги кунда жамоанинг асосий таркибидан ўрин олиб улгуришган. Футбол клуби томонидан берилаётган эътибор, ажратилаётган жиҳозлар ҳамда спорт либослари юқори малакали футболчиларни тайёрлашда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**— Энди спорт гимнастикасига тўхталсак. Умуман, қандай қилиб бу спорт тури бўйича ҳам мураббий бўлдингиз?**

— Дастлаб кураш тушганман. Кейин таэквондо WTFга қизиқиб қолиб, ушбу шарқ яккакураши машғулотларига қатнадим. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирганимда эса спорт гимнастикасига меҳрим тушди. Акробатика билан шуғулланганим спорт гимнастикаси сирларини эгаллашимда асқотди.

2006 йил Шаҳрисабздаги «Ҳисор» ўйингоҳи ҳудудида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан гимнастика зали қуриб берилган эди. Айни пайтда 84 нафар ёшлар машғулотларга қатнашяпти. Шулардан 44 нафари қизлар. Қашқадарёда спорт гимнастикаси бўйича мутахассислар йўқлиги учун ўғил-қизларни мусобақаларга тайёрлаб келяпман. Шогирдларимдан икки нафари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида, уч нафари Мироқидаги спорт-педагогика коллежида спорт гимнастикаси бўйича таҳсил олишяпти. Демак, мутахассислар муаммоси ҳам тезда барҳам топиб қолади.

**— Таэквондо ва спорт гимнастикаси, қолаверса, футбол мактаби раҳбарлиги... Қандай улгурасиз?**

— Эрталаб соат 9 дан 11 гача спорт гимнастикаси бўйича, кечки пайт соат 17-19 оралиғида таэквондо машғулотларини ўтказаман. Кун давомида эса футбол мактаби қатнашчилари билан биргаман...

Хайрулла Жабборовга ҳавасимиз келди. Ажойиб инсон! Чарчаш нималигини билмайди. Ҳар хил семинарларда спорт турлари бўйича ўз маҳоратини оширади. Шогирдларини ғалаба сари етаклайди. Мана, яқиндагина шаҳрисабзлик ўғил-қизлар спорт гимнастикаси бўйича «Ёз-2008» дастуридан ўрин олган ҳудудий мусобақада (Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманлари ўртасида) ғолиб чиқишди.

12 ёшли ўғли Жавоҳирнинг ҳам спортга меҳри бор, таэквондо машғулотларига қатнайди.



**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Гадонинг душмани...

## Ҳажвия

Мўминжон ака бир чеким носни тили тагига ташлаганча ўйга толди. Умр деганлари ҳам қизиқ экан. Ана-мана дегунча ёши ҳам элликни қоралаб қолди. Қўлида тузуккина ҳунари ҳам йўқ. Илгари ширкатда дуч келган ишни бажариб юрди. Ширкат тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Мўминжон ака кетмонини қўлидан қўймай «Саримсоқ» фермер хўжалигида ишлади. Дастлабки йили Саримсоқ фермер сахийлик билан ҳақ тўлади. Ҳатто иш ҳақига қўшимча қилиб буғдойдан бўшаган ердан пича ажратиб ҳам берди. Лекин кейинги икки-уч йилда фермернинг димоғи кўтарилиб, унча-мунча одамни писанд қилмай қўйди, «Сенларни мен боқаяпман» дейдиган одат чиқарди. Иш ҳақининг ўрнига сомон, кузда эса қирқ-эллик боғ ғўзапоя беришдан нарига ўтмайди. Бундай бедодликлар жонидан ўтиб юрган кунларда дўсти Солижон бир-икки кўришганда қулоғини қизитиб, Россия томонларга бориб, бир омадини синаб кўришни таклиф қилишини қўймади. Хотинига маслаҳат солганди, иккиланиброқ рози бўлди. Уйдаги моллардан сотиб йўлкирани тўғрилади-ю, икки дўст омадини излаб олис юртларга йўл олишди.

У ёқда бошидан кечирганларининг ўзи бир ҳикоя бўлади. Хуллас, уч-тўрт йилдан буён мусофирчиликни кўриб мусулмонга айланган Мўминжон ҳар мавсумда қийнала-қийнала уч-тўрт танга топиб келади. Топиб келганини қишда бола-чақаси билан еб ётади. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди деганларидек, қиш яримлаганда ҳамённинг таги кўриниб, Мўминжон аканинг шоирлиги тутиб қолади ва хотинига қарата шеър ўқий бошлайди:

***— Уйингда бўлмаса унинг,***
***Ҳўл бўлса гар ўтининг,***
***Вайсақи бўлса хотининг,***
***Ортингдан чиқар тутунинг...***

Шеърхонликдан сўнг эр-хотин мириқиб кулишади, дунё ташвишларини унутишади. Шунда кенжа ўғил дадасиникидан ҳам ўтказмоқчи бўлиб, қаддини ғоз тутганча шеър ўқишни бошлайди:

***— Гулбадан, ҳо гулбадан,***
***Йиқилдим-ку турбадан.***
***Оёқ синди тиззадан,***
***Укол олдим думбадан.***

Шеърхонлик, албатта, қорин тўйдирмайди. Юқорида айтганимиздек, Мўминжон нос чекиб, ўйга толишининг боиси ҳам шу. Рўзғор — ғор деб бекорга айтилмаган экан. Хотини супрани қиртишлаб иккитагина қозон лочира қилди. Энг зарури, бир қоп бўлмаса ҳам ярим қоп ун олиши керак. Хуллас, сабзи-пиёз, картошка деганларидек, энг зарур нарсаларнинг ўзига ўн-ўн беш минг сўм пул кетар, шунда ҳам гўшт олишга етмас экан.

Мўминжон ака шундай ҳисоб-китоблар билан кўзи илинганини билмай қолди. Эртасига саҳар туриб бозорга йўл олди. Ёнидаги пули ҳисобли бўлгани учун киракаш йигит билан юз сўмнинг устида хўп тортишди. Киракаш ҳам кечаги икки юз сўмлик масофага уч юз сўм берасан деб туриб олди. Бензинни нархи ошган эмиш. Ўз дарди билан уйидан сал кайфиятсиз чиққан Мўминжоннинг асаблари таранглашди. Ўлганнинг устига тепган деганларидек, машинадан тушишда оёғини сал нобопроқ босдими, ўзи илвираб турган туфлисининг таги кўчиб, дайди итнинг тилидек осилиб қолди. Бозорга кираверишда жойлашган этикдўзнинг устахонаси кўзига ўтдек кўриниб кетди. Оёғини судраб босганча устахонага етиб борди ва кираверишга қўйилган курсига ўтириб, юзига фотиҳа тортди. Уста ҳам унинг юзига эмас, оёғига қараганча фотиҳа қилди.

— Э, акамулло, бу тўплини хароб қилибсиз-ку, одам қилиш қийинга ўхшайди, ҳай майли, минг сўм берсангиз эплаб бераман, — деди.

— Одам қилмай, сал эплаб берсанг бўлди, беш юз оласан, — деди Мўминжон ака ҳам бўш келмай. Хуллас, етти юз сўмга келишишди.

Бекорчиликдан атрофни кузатиб ўтирган Мўминжон аканинг хаёли яна киссасидаги арзимас бозорлик пулига бориб тақалди. Унинг ҳам минг сўми бозорга кирмасдан қулоғини ушлаб кетди. «Унни яна ҳам озроқ олишимга тўғри келади», — дея ҳисоб-китобни пишитиб турганди, катта йўлдан ғизиллаб келаётган сўнгги маркадаги енгил машина устахона ёнида қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Машинани бошқариб келган тақа мўйловли йигит чаққонлик билан орқа эшикни очди. Машинадан одмигина кийиниб, бошига ихчамгина салла ўраган, қора соқоли ўзига ярашган таниш тиланчи салобат билан тушиб келди. Мўминжон ва уста билан қуюқ сўрашиб, уста солган тўшакка ўтирди ва қўлларини дуога очиб, тилла тишларини ярақлатганча узундан-узоқ дуо ўқиди.

Тиланчи билан уста эски қадрдон экан, батафсил ҳол-аҳвол сўрашди, кундалик тирикчиликдан, уйдаги янгиликлардан бир-бирини хабардор қилишди.

Уста ишини давом эттирар, тиланчи ҳам ўтган-кетганларга қўл узатганча, «Баҳовуддин пиримга атаганлар, яхши тушга, ёмон тушга садақа қилинг» дея ишини бошлаб юборди. Дунёда яхши туш кўрган ҳам, ёмон туш кўрган ҳам кўп эканми, тиланчининг қўллари ана-мана дегунча пулга тўлди. Пулларнинг йирикроқларини ажратиб, узун чопонининг ички чўнтагига тиқаётган тиланчи:

— Машина қуллуқ бўлсин ҳам демайсиз-а, уста, — деб гап қотди.

Уста ҳам бир зум ишини тўхтатди ва нарироқда зулукдай товланиб турган машинага ва энг сўнгги модада кийинган, ҳозир эса машинага суяниб ўтган-кетганларга беписандлик билан қараб турган йигитчага тикилганча «қуллуқ бўлсин» дея минғирлади.

— Уста, хабарингиз бор, бир ўғил, бир қизим бор, — дея гап бошлади тиланчи. — Анави машина олдидаги йигит ўғлим. Бу йил худо хоҳласа университетни битиради. Қизимнинг ўқиши ҳам шу йил тугайди. Шуни ҳисобга олиб, иккаласига ҳам бир хил машина олиб бердим. Фақат ўғлимга бир шарт қўйдим. Яъни, қаерга десам олиб боради. Қолаверса, уйларни ҳам бир қатор янгилаб олдим. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ҳозирги ёшларга унча-мунча нарса ёқмайди. Уйни замонавий мебелу гиламларга тўлдирдик. Телевизорни айтмайсизми, нақ экрани бир қулочлигидан олдириб, томга тарелка антенна қўйдиришди. Хуллас, болаларнинг ками тугамас экан, қани, оғайни, сиз ҳам худо йўлига атагангизни беринг, — дея Мўминжон акага қараб қўл чўзди.

Тиланчининг гапларидан оғзи очилиб қолган Мўминжон ака аввалига нима гаплигини англай олмай, бир зум каловланиб қолди. Сўнг карахт бўлиб қолган тили калимага келди.

— Э, оғайни, бу дейман, шунча бойлигингиз бўла туриб мендек гадодан пул сўрашга уялмайсизми? Аслида мен сизга эмас, сиз менга садақа берсангиз бўлар экан, — деди-ю балога қолди. Гадой бува нима деса деди. Мўминжон ака ҳам қараб турмади. Эрталабдан буён йиғилиб ётган ғазабини қўлига жамлаб, тиланчининг қулоқ-чаккаси аралаш тортиб юборди.

Оний лаҳзаларда бўлиб ўтган жанжални кўпчилик билиб-билмай қолди. Лекин жанжал маддалаш томон юз тутиб, бекорчи томошабинлар тўпланишга, гадойнинг ўғли қўлига монтировкани олишга, тинчлик посбонлари ҳуштагини чалишга, гадой ўзини ўнглашга улгурмай Мўминжон ака ҳали битмаган туфлисига ҳам қарамай ялангоёқлигича ўзини бозордаги оломон ичига урди ва балодан қутулди.

Агар Мўминжон ака ярим қоп унни орқалаб, ялангоёқ қишлоқни кезиб, уйига кириб бормаганида, бот-бот «уми гадо, менми гадо» дея ғудранишни одат қилмаганида бу воқеани хотини ҳам, қишлоқ аҳли ҳам, ҳатто сизу биз ҳам билмаган бўлардик.

**Абдувоҳид ҚОДИРОВ,**
**АСМ ходимлари**
**касаба уюшмаси**
**Бувайда туман кенгаши раиси**

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-83-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir:
A. Qodirova
Navbatchi:
A. Abdiyev
Musahhih:
N.Mahaмov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 20.45

Буюртма Г — 614

10766 nusxada bosildi

1 2 3 4 6 7 8